# КОНРАД АДЕНАУЭР ЖАМҒАРМАСИ ФАРҒОНАДА

***Фарғонада Конрад Аденауэр жамғармаси, вилоят ҳокимлиги ва Фарғона шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан «Маҳаллий ҳокимият органларидаги сиёсат» мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Конрад Аденауэр номли жамғарманинг ҳудудий мухтор вакили Вольфганг Шрайбер семинарни очди. Фарғона вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Мирзажон Исломов Конрад Аденауэр номли халқаро жамғарманинг семинарини Фарғона вилоятида ўтказишга розилик берганликлари учун республика ҳукуматига ва жамғарма раҳбарларига миннатдорчилик билдирди. Бу жамгарманинг республикамиздаги фаолияти мустақил Ўзбекистоннинг тараққиётига, жаҳондаги энг ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишига катта ҳисса қўшажаклигига ишонч билдирди.

Семинар қатнашчилари Конрад Аденауэр номли жамғарма фаолиятига доир видеофильмни томоша қилдилар. Фарғона шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Алишер Отабоевнинг «Маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органларининг фаолияти» ҳақида маърузасини, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг профессори П. Калошиннинг «Маҳаллий бошқарув органларида ҳокимиятни амалга ошириш механизмлари» тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Ҳокимият ва маҳаллий қўмиталар иштирокида ўтказилган суҳбат ва музокаралар ҳам семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

**Ўз мухбиримиз.**

*• Мухбиримиз бонг уради*

# РАИС НЕГА ЧОРВА ҲАҚИДА ГАПИРИШНИ ХУШ КЎРМАЙДИ?

***Дўстлик туманидаги Қосим Раҳимов номли ширкатлар уюшмаси раҳбари Худойқул Холбеков билан пахта ҳақида суҳбатлашсангиз яйраб кетади. Дарҳақиқат, у бошлиқ жамоа қатор йиллардан бери пахта тайёрлаш топшириқларини уддалаб келмоқда. Бу йил ҳам режадаги 6226 тонна ўрнига 6700 тонна хомашё тайёрланди.***

Лекин раис чорвачилик, қишлоққа саноатни олиб келиш ҳақида гаплашишни хуш кўрмайди. Бунинг сабабини ширкатлар уюшмасида бўлганимизда билдик.

Хўжалик фермаси ўтган йилнинг биринчи ярмида ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Яъни бу ердаги 900 бошга яқин қорамол, молхоналар, омборхона ва бошқа бинолар 4,5 миллион сўмга баҳоланиб, чорвадорлар ихтиёрига берилган.

Маълумки, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишнинг асосий шарти етарли миқдорда тўйимли озуқага эга бўлишдир. Бунинг учун мутахассислар ҳар бир бош қорамол учун қанча ер лозим бўлишини ҳисоблаб чиқишган. Агар ҳиссадорлик жамияти учун 420 гектар озуқа майдони ажратиб берилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, фермада моллар маҳсулдорлигини ошириш, шунинг ҳисобига ҳиссадорлар оладиган фойда салмоғини кўпайтириш учун шароит етарли.

Одатда бирор хўжалик ва корхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантириш учун катта тайёргарлик ишлари олиб бориш керак. Яъни одамлар, аввало, янги тузилманинг моҳиятини тушуниб етсинлар, ўзларини мулкнинг ҳақиқий эгалари, деб ҳис қилсинлар.

Мулкни сотиб олишга маблағлари сарф бўлганлиги туфайли ҳам тежамкорлик, фақат самарадорликни кўзлаб унумли меҳнат қилиш муҳити қарор топади. Бу ўз-ўзидан маҳсулот сероблигини таъминлабгина қолмай, одамларда изланиш иштиёқини ҳам келтириб чиқаради.

Аммо, афсуски, Қосим Раҳимов номли ширкатлар уюшмасидаги фермани хусусийлаштириш яъни ҳиссадорлик жамиятига айлантиришга аввал бошдан ҳеч қандай таёргарлик кўрилмади. Ферманинг номи ўзгарди-ю, иш юритиш эскича қолаверди.

Биз ҳиссадорлик жамияти раиси муовини Тошмирза Дўстбековдан ҳам ижара ширкатлар уюшмаси раҳбари Худойқул Холбековдан ҳам чиқарилган акциялар ҳақида сўраганимизда тайинли жавоб ололмадик.

— Акциялар бор, — дейди Т. Дўстбеков, — уларни келтириб қўйганмиз. Янги йилдан кейин чорвадорларга сотамиз.

— Илгари хўжалик ихтиёрида бўлган ферма 4,5 миллион сўмга баҳоланибди. Уни тўлаш керак бўлади. Акциялар сотилмаган бўлса, қарзни қандай узасиз?

— Ҳозирча, ширкатлар уюшмаси тасарруфида бўлган мактаблар, болалар боғчалари, бошқа ташкилотларга сут бераяпмиз. Хўжалик эҳтиёжи учун гўшт ҳам ажратмоқдамиз. Шуларнинг пули хўжаликка ўтиб турибди.

Очиғи, топширилган сут ва гўшт фермани хусусийлаштириш учун белгиланган баҳо олдида урвоқ ҳам бўлмайди. Агар шу йўл билан қарз узиладиган бўлса, тасдиқланган суммани тўлаш учун бир эмас, бир неча ўн йил керак бўлади. Бундай дейишимизга сабаб бор. Ҳозирги шароитда ҳиссадорлик жамияти акцияларини ҳеч ким сотиб олмайди.

Чунки, бирор нарсага ёки тадбирга пул сарфлайдиган сармоя эгаси ҳам анойи эмас. Фойда чиқишига кўзи етсагина чўнтагидан пул чиқаради. Минг машаққат билан топган маблағининг ҳавога совурилишини хоҳламайди-да!

Бу ерда эса, янги йилданми, ундан олдинми, жамият акциясини сотиб олган киши куйиб қолиши аниқ. Боиси — ферма зарар кўриб ишламоқда. Агар бундан кейин ҳам иш шундай ташкил этиладиган бўлса, чорвачиликни фойдали тармоққа айлантириш мумкин эмас. Моллар маҳсулдорлиги паст. Уларнинг парваришини яхшилаш, тўйимли, ширали озуқалар билан боқишдек ўта муҳим ишга панжа орасидан қаралмоқда. Жониворлар наслини яхшилаш, зооветеринария хизматини намунали ташкил этиш ҳануз чорвадорларнинг орзулари бўлиб қолмоқда.

— Бу йил ҳар бир сигирдан қанчадан сут соғиб олмоқчисизлар, — сўраймиз Тошмирзадан.

— Ўтган йилгига етказишга ҳаракат қиляпмиз.

— Бултур қанчадан бўлганди?

— Сигир бошига 2,5 минг литрдан.

Ҳа, бундай маҳсулдорлик билан узоққа бориш қийин. Жамият раиси муовинининг айтишича, ем қиммат. Жамғарилган озуқанинг сифати ҳам, чўғи ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу ҳол қиш ойларида сигирлар сутининг янада пасайиб кетишига олиб келиши аниқ.

Лекин ҳиссадорлик жамиятига етарли миқдорда ер майдони ажратилган-ку, ундан самарали фойдаланиш ҳисобига мўл-кўл, тўйимли озуқа жамғарилса бўлмайдими, деган савол туғилиши мумкин.

Бўлади. Аммо ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари чорвачиликдан фойда ололмасликларини олдиндан билишганми, зарарни қоплаш учун озуқа экинларига ажратилган 420 гектар ернинг 100 гектарига пахта экиб юборишган. Энди бу ёғини ўзингиз ҳисоб-китоб қилиб олаверинг.

Ҳозир Президентимиз қишлоққа саноатни келтириш, кичик корхоналар ҳисобига хомашёни жойида ишлаш, бунинг эвазига фақат тайёр маҳсулот сотиб фойда кўриш ҳақида кўп гапиряптилар. Хўш Қосим Раҳимов номли ширкатлар уюшмасида сутни қайта ишлаш цехи қурса бўлмайдими? Ахир бу кони фойда-ку! Сут эса сероб. Уни қўшни хўжаликлардан ҳам олса бўлади.

Хўжалик раҳбарлари эса кичик корхоналар қуришни кўпайтириш ўрнига борларидан ҳам фойдаланишмаяпти. Масалан, илгари бу ерда консерва цехи бор эди. Ҳозир ноёб ускуналар бекор турибди. Раҳбарларнинг айтишича, мева йўқмиш... Ваҳоланки, ширкатлар уюшмасининг ўзида 20 гектардан зиёд мевали боғ мавжуд. Қолаверса, атрофдаги бошқа хўжаликларда ҳам мева бор. Фақат улар билан келишишга, қайта ишлаш корхонасининг фойдали эканлигини тушунтиришга, тайёр маҳсулот чиқаришни йўлга қўйишга ҳафсала йўқ...

Уюшмада бир кеча-кундузда 1 тонна мой ишлаб чиқарадиган ёғ цехи бор. У ҳам мунтазам ишламайди. Фақат эҳтиёж бўлса, буюртмачининг хомашёсидан ёғ чиқариб беради. Шунинг учун ҳам ускуналар бир соат ишласа, бир неча кунлаб бекор ётади.

Ҳозир замон ўзгарди. Фақат пахтанинг ўзига зўр берган билан бўлмайди. Ҳамма тармоқларни бирдай ривожлантириш, хомашёни жойида қайта ишлаб, фойдани кўпайтириш орқалигина халқ фаровонлигини ошириш мумкин. Дўстлик туманидаги Қосим Раҳимов номли ширкатлар уюшмасида эса, ҳозирча бу борада амалий ишлар кўринмайди.

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Олтиариқ туманидаги «Зулайхо» фермер хўжалиги чорвадорлари 30 бош қорамолни парваришлашиб, 20 тонна ўрнига 25 тонна сут етказиб берди. Шунингдек, чорвадорлар қўшимча 2 тоннадан зиёд гўшт топширишга ҳаракат қилишаяпти. 9 гектар ер жамоа тасарруфида. Мазкур майдонларда мўл озуқа экинлари етиштирилиб, қишловга пухта ҳозирлик кўрилган. «ГАЗ-53» автомашинаси, «МТЗ-80» трактори фермерлар оғирини енгил қилмоқда.*

*СУРАТДА: «Зулайхо» фермер хўжалиги бошлиғи Зулайхо Ғаниева турмуш ўртоғи Умарали Ғаниев билан.*

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

*• Тадбиркорликка кенг йўл*

# БУНЁДКОР ИШБИЛАРМОНЛАР

Кейинги пайтларда Чироқчи туманида ҳам ишбилармонлик ва тадбиркорликка алоҳида аҳамият берилялти. Хусусан, бугунги кунда туманда бир қатор жамоа ва хусусий корхоналар мавжуд. Ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларига ҳамоҳанг тарзда омилкорлик билан иш юритилиши натижасида бу борада яхши самараларга эришиляпти.

«Тадбиркор» хусусий корхонасини Чироқчи туманидаги илк қалдирғочлардан, дейиш мумкин. Бундан бир неча йил бурун ёш ва серғайрат ишбилармон Саъдулла Ҳасанов ана шу корхонани ташкил этган эди. Дастлаб улар асосий эътиборни биноларни таъмирлаш ва қурилиш ашёларини қайта ишлашни йўлга қўйишга қаратишди. Чунки истиқлол шарофати туфайли республикамизнинг барча жойларида бунёдкорлик ишлари кенг миқёсда авж олган, бундан Чироқчи тумани мустасно эмасди. Бинобарин, корхона бажарадиган хизмат турларига бўлган эҳтиёж катта эди.

Қисқа вақт ичида корхонанинг ўн тўрт кишилик жамоаси бир қатор иншоотларни таъмирлаб, бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. Туман марказидаги маданий-маиший ва бошқа турдаги биноларнинг қад ростлашида фаол иштирок этишди. Шунингдек, буюртма асосида корхона ва ташкилотларга таъмирлаш ишларида ёрдам беришмоқда. Туман маданият уйини капитал таъмирлашни ана шу ишлар жумласига киритиш мумкин. Булардан кўрилган даромад эвазига корхонанинг фаолият турлари янада кенгайтирилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этишга эътибор қаратилди. Лалми майдонларда етиштирилаётган махсар ўсимлигидан ёғ олишни йўлга қўйиш мақсадида Тошкентдаги «Истиқбол» ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда қўшма корхона тузиш тўғрисида шартнома тузилган. Ҳозир бу борада амалий ишлар жадал давом этмоқда. Яқин келажакда ана шу қўшма корхона ишга тушгач, ушбу хом ашёдан ёғдан ташқари совун, лак, алиф ва майонез маҳсулотларини ажратиб оладиган цехлар ҳамда линиялар барпо этиш режалаштирилган.

— Туман марказида корхонамизнинг савдо марказини очишни режалаштирганмиз, — дейди Саъдулла Ҳасанов. — Унда қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва бошқа турдаги халқ истеъмол моллари савдога қўйилади. Бу эса аҳолининг ана шу нарсаларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда яқиндан ёрдам беради.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


UZDUNROBITA
cellular



Алмаштиринг!



"ЎЗДУНРОБИТА" ҚЎШМА КОРХОНАСИ УЯЛИ РАДИОТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўздунробита" Ўзбек-Америка уяли алоқа қўшма корхонаси тармоқни модернизациялаш ишларини ниҳоясига етказди ва Ўзбекистоннинг уяли алоқа тизимини илгариги NMT-450 андозасидан янги ва янада замонавий, ягона AMPS андозасига ўтказди.

***Шу муносабат билан "Ўздунробита" ҚК си 1995 йилнинг 1 декабригача бўлган муддатда "Нокия" фирмасининг NMT-450 (Мобира, Ситиман, Талкман) андозасидаги аппаратларини "Моторола" фирмасининг AMPS андозали янги аппаратларига бепул алмаштиради.***

**Юқорида кўрсатилган русумдаги аппаратлари бўлган ҳурматли уяли алоқа абонентлари!**

Радиотелефон аппаратларингизни "Ўздунробита" ҚК да 1995 йил 1 декабргача янгисига алмаштиринг ва бу билан қуйидаги қўшимча бепул имтиёзларга эга бўлинг:

- *ҳажми кичик ва имконияти катта янги телефон аппарати;*
- *янги,янада кучлироқ қувват блоки батареяси;*
- *кафолати - 1 йил!*

"Моторола"нинг янги аппарати Ўзбекистоннинг бешта шаҳри - Тошкент, Самарқанд, Урганч, Қарши, Бухоро шунингдек, Қозоғистон ва Қирғизистонда уяли алоқадан қўшимча ҳаражатларсиз фойдаланиш имконини беради!

**1995 йил 1 декабрдан сўнг хизмат кўрсатиш тўла янги аппаратларга ўтказилади.**

***"Нокия" аппаратларини "Моторола"нинг энг янги аппаратларига алмаштиринг ва сиз уяли алоқанинг таклиф этилаётган замонавий техникасининг катта афзалликларига ишонч ҳосил қиласиз!***

"Ўздунробита" ҚК маъмурияти.

Энди бу мўъжизавий аппарат сизники!

Телефонлар: (3712) 44-17-09, 44-32-08. Факс: (3712) 40-26-68.

